



## «ИЛМИМИЗ ТУФАЙЛИ ЯҚИН ОТИМИЗ»

**ШУКУР ҚУРБОН**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Шоир Шукур Курбон бир неча йиллардан бери Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ишлайди. Мамлакатимизнинг бош зиё масканида кечаётган турфа жараёнлар, антиқа вазиятлар, хангомалар синчков ижодкорнинг назаридан четда қолмаётганини қуйидаги ижод намуналаридан билса бўлади.

Тахририят

### БИР МУАЛЛИМ ВА МИНГ ЙИЛЛИК КИТОБ

(Насрдаги назм)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси катта ўқитувчиси Зиёвуддин Жўраев Мовардийнинг бундан минг йил муқаддам ёзилган Шарқ давлатчилиги таълимоти ҳақидаги китоби устида тадқиқотлар олиб борар экан, маълум ва машҳур, буюк асарнинг инглизча нусхаси керак бўлиб, компьютерда Буюк Британиянинг Оксфорд университети сайтига киради.

Инглизча ҳарфларда Movardiy. “Al-ahkom as-sultoniyya va-l-valoyot ad-diniyya” (Мовардий. “Ал-аҳком ас-султония вал-валот ад-диния”) деб ёзиб, китобнинг инглизча таржимасини сўрайди. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас бобомиз яратган китобнинг инглиз тилига таржимаси (1970 йил) электрон нусхада интернет орқали Тошкентга, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига етиб келади.

Раҳмат, қанча тўлаш керак экан?

Доллардами ё сўмда ва ё еврода?

Арзимаиди. Тўламас эканмиз,

Ёзгани учун уни бизнинг бобомиз – Мовардий, ўзбек.

Фойдаланишгани учун ундан асрлаб,

Бизга – авлодларга текин экан бу!

Кибор Америка, тадбиркор Хитой, Бальзак юрти – кўҳна Фарангистон бу!

Сайёҳлар макони Малайзия ҳам, японлар диёри – тўрт томони сув.

Йил бўйи рақс тушиб, кўз ёши тўккан, Бобур эъзозлаган юрт, бу – Ҳиндистон.

Муҳаммад Пайғамбар(с.а.в) таваллуд топган – қадим араб ўлкаси – мўъмин- мусулмон...

Бари бизга бурчдор, бари ўқиган бизнинг Давлатчилик таълимотимиз. Миллат сифатида ёт-бегонамиз, илмимиз туфайли яқин отимиз.

Давлат қандай бўлар кўрсатмоқдамиз, асрлар ўтиб, бот жумла жаҳонга. Жумла жаҳон ҳали кўп таъзим қилар менинг Ватанимга – Ўзбекистонга.

Ва буюк китоблар ёзайлик биз ҳам, ки ўрин қолмасин “аммо-лекин”га.

Авлодлар сўраса электрон нусха, юборсин уни ҳам шундоқ, текинга...

### ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИЛЛАРИ

#### ЕРТЎЛА “МИНУС 2”

Минус’ икки подвалда

Ертўлада нима бор?

– Нима бўлар, китоблар,

Фонд бор унда барқарор

– Нега бунча чуқурда?

– Негаки улар камёб.

Сақлаймиз кўздан нари

Пуф-пуфлаб асраб, аяб.

– Ходимлар-чи, ходимлар?

Деразасиз, дарчасиз.

Айнан гўзалларимиз

У қизларнинг барчаси



Атай улар иш жойин  
Тайин этганмиз маҳкам.  
Кўз тегмасин деганмиз,  
Демак, биз уларга ҳам.

**МУҲАББАТ НОРМЕТОВАГА**

Эскичадан тажриба  
Янгичада келар қўл.  
Янгича бузилганда  
Тикланар эски усул.

Масалан, ишдан чиқса  
Телелифт<sup>2</sup> койинмангиз  
Муҳаббатхон сингари  
Бор чаққон кўп жувон-қиз.

Телелифтдан илдамроқ  
Телелифтдан гўзалроқ.  
Вагончадан ихчамроқ,  
Вагончадан асалроқ.

Апачилар сингари  
Ҳаракатлар қилади  
Фонддан китоб залига  
Зув бориб, зув келади.

Бораётиб қарайди,  
Келаётиб қарайди  
Девордаги расмлар  
Ҳордиқ учун ярайди.

Ҳаддан ортиқ юргандан  
Оёқлари бақувват  
Нафақат оёқлари  
Бақувват қадди-қомат.

Бу гаплардан беҳабар  
Китобхонлар тушунмас.  
Нега бу қизлар гўзал?  
Нега бу қизлар тинмас.

Маили янги йилда ҳам  
Бу яхшилар тинмасин.  
Янги технология  
Ва лекин бузилмасин.

**ЛИФТДА ҚАМАЛИШ****Ҳангома**

“Лип” этиб чиққан билан,  
“Лип” этиб тушган билан,  
Ғалати нарса бу лифт.  
Масалан, туппа-тузук  
Ишлаб турганда бирдан –

Қолиш мумкин қамалиб.

Бир ўзинг қамалсанг-у,  
Маили, дейсан, кутасан.  
Лифтчи ака йўлига  
Жимгина кўз тутасан.

Лекин сен ва бир аёл  
Қамалсанг-чи, ногаҳон?  
Номаҳрам бўлса-чи, у?  
Бўлса-чи, аёл – меҳмон?

Дерлар икки номаҳрам  
Қолса, ўртада тайин  
Бўлур учинчи зот ҳам,  
Ҳа, у – шайтони лаъин.

Номаҳрам битта эмас  
Бир нечта бўлса-чи, хўш?  
Ўртада ким бўлади?,  
Ё ўрта қоларми бўш?

Меҳмон саккиз хотин-қиз,  
Ободбой<sup>3</sup> битта эди.  
Саккиз хотин-қиз аро  
Мезбон ич этин еди.

Тақиллатди эшикни.  
Босди барча тугмани  
Қани очилса эшик,  
Лифт юра қолса қани.

Меҳмонларга қаради  
Нажот излаб шу замон.  
Қараса, нажот кутар  
Ундан саккизта меҳмон

Чироқ-ку, маили, ҳаво  
Камайиб борар эди.  
Ҳар хил атир-упалар  
Димоқни ёрар эди

Қараса, жилмайишар  
Меҳмонлар бир-бирига.  
Жилмайди у ҳам ночор  
Бокқанча лифт тўрига

Унда аёл – кетворган,  
Олиб қочди кўзини.  
Ногаҳонда йўқотди  
Мезбон айтар сўзини .

Бошқа ёққа солди кўз  
Секин-аста, паришон.

Бошқа ёқда турарди  
Ундан ҳам кўҳлик жувон.

Кўз зиноси ҳақида  
Эшитганди Ободбой  
Ерга қараб ўз-ўзин  
Сўкди, янди Ободбой.

Ногаҳонда сўзланди  
Чиқиш учун ҳолатдан:  
–Айтдим-ку мумкинмас деб,  
Чиқиб олдингиз қаттан?!

–Айтдим-ку, мумкинмас деб,  
Мана энди оқибат..  
Жавоб қилди бир жувон  
Кетворган қадди-қомат

–Домла бизлар меҳмонмиз,  
Аммо хато қилдик сал,  
Салгина хато учун..  
Ўрнимизда шу маҳал

Женгем бўлса нетасиз?  
Дўқ қилар экансиз-да–  
Женгемизга ҳам шундай..  
Эркаклар тикансиз-да!

–Женгенгизни мен лифтга  
Яқин ҳам йўлатмасдим.  
Демакки, қийнамасдим,  
Демакки, қаматмасдим.

Деди бошқа бир аёл –  
Юзлари олма нақшин:  
–Лифтга чиқмай юргандан,  
Чиқиб, қамалган яхши.

–Асли, сиз айбдорсиз  
Барига, – кимдир деди.  
Сиз– эркак, эркаклардек  
Қаттиққўл бўлинг эди

Чиқарманг эди, яъни  
Лифтга ортиқчамизни  
Бунда бир нима бўлсак  
Айбдор қиламиз Сизни.

–Ана бўлмаса, деди  
Лбодбой хайрон-у лол.  
Ва қайсидир маънода  
Ҳақ эди ахир аёл.



Кўнгил бўшлик эркакка  
Билди ярашмаслигин.  
Ортиқча ҳалим бўлиш  
Унга қасдма-қасдлигин.

Тақиллатди эшикни.  
Босди барча тугмани  
Қани очилса эшик,  
Қани чиқса бир маъни.

Чироқ-ку, майли, ҳаво  
Камайиб борар эди.  
Хар хил атир-упалар  
Димоқни ёрар эди

Лифтда яна нима гап  
Бўлган, бизга номаълум  
Лифтчи ака келганда  
Қамалганлар эди жим.

Саккиз хотин-қиз аро  
Кўриб Ободбойни ҳам,  
Деди хайрон: – Бу ерда  
Нима қилаяпсиз, укам

– Ҳа, биз ҳам шу... қамалиб,  
– Қамалиб? Лифт қанча юк  
Кўтарар, биласиз-ку...  
Уни тер босди совуқ.

Ёмон бир иш устида  
Тушгандай худди қўлга,  
Деди: бунга камера  
Ўрнатилмаган-ку- а?

– Камера йўқ ва лекин  
Бўлар экан қўйилса.  
Шунда зора баъзилар  
Қамалишдан тийилса.

1. Икки қаватлик ер ости китоб сақлаш фондларига ишора.
2. Автоматик равишда китоб ташувчи мослама.
3. Бош кутубхоначи

## ИКТ САММИТ-2013



Саммит по информационно-коммуникационным технологиям  
AKT Sammiti • ICT Summit

Информационные технологии играют огромную роль в развитии нашего общества. В настоящее время информационные технологии применяются во всех сферах жизнедеятельности человека, они прочно вошли и существенно облегчили нашу жизнь.

В Узбекистане внедрение и развитие информационно-коммуникационных технологий является одним из приоритетов государственной политики. Вот почему ежегодный ИКТ Саммит, проводимый вот уже 11-й год в рамках Недели ИКТ, определенно является одним из наиболее важных событий в отрасли и государства в целом.

ИКТ Саммит-2013 состоялся 24 сентября в Международном Бизнес центре. Организаторами ИКТ Саммита выступили Комитет по вопросам информации и коммуникационных технологий Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Координационный совет по развитию компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий Республики Узбекистан, Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий, Ассоциация предприятий и организаций информационных

технологий Узбекистана и компания CIB GROUP. Генеральные спонсоры мероприятия: Акционерная компания Uztelecom, Компании SAP и Microsoft. Медиа партнерами выступили UZINFOCOM, ICTNEWS, BRANDUZ и др. Саммит носит международный статус, в этом году на саммите приняли участие 500 делегатов-специалистов в области ИКТ из Узбекистана и стран ближнего и дальнего зарубежья. Главная задача саммита заключается в содействии укреплению партнерских связей, в детальном обсуждении существующих проблем, инновационных проектов, чтобы в дальнейшем сформулировать предложения по дальнейшему развитию отрасли в государственных органах власти.

Саммит начался с пленарного заседания, проходившем в Конференц-зал «Симург», где выступили со своими докладами: представитель Законодательной Палаты Олий Мажлиса РУз г-н Джураев А.А., председатель Государственного

